



## САМАРҚАНДНИНГ ТАРИХИЙ ШУҲРАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ



**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида 15 апрель куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудга бундан олдинги ташрифи 2019 йилнинг январь ва июль ойларига тўғри келган эди. Ташрифлар чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туман ва шаҳарларда бун-

ёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш ҳамда аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу асосда

дастурлар ва уларни амалга ошириш "йўл харита"лари тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўтган йил пандемия айрим лойиҳаларни амалга ошириш, қурилиш ишлари суръатига салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, давлатимиз томонидан

яратиб берилган имконият ва имтиёзлар туфайли белгиланган режа ва дастурлар ўз вақтида бажарилди.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорағида вилоятда қиймати 580,3 миллиард сўмлик 100 та лойиҳани ишга тушириш белгиланган бўлса, амалда 832,1 миллиард сўмлик 248 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 800 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Жумладан, саноатда 55 та, хизматлар соҳасида 114 та, қишлоқ ҳўжалиғида 79 та лойиҳа татбиқ этилди.

Президентимизнинг вилоятдаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви Самарқанд халқаро аэропортидан бошланди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида 1967 йилда қурилган ушбу "ҳаво бандаргоҳи"ни модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Лойиҳа доирасида янги терминал, учиш-қўниш йўлаги, тураргоҳ ва бошқа объектлар барпо этилиши белгиланган. Бугунги кунда узунлиги 3 минг 105 ва эни 60 метр бўлган учиш-қўниш йўлаги қурилиши тугалланиб, ёритиш-сигнал чироқлари ва аэронавигация ускуналари ўрнатилмоқда.

Президент дастлаб халқаро авиация стандартлари асосида қурилган учиш-қўниш йўлагини кўздан кечирди.

Янги терминал замонавий дизайнга, бир соатда 1000 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Илгари бу кўрсаткич 400 нафар эди.

— Одамларга қулайлик яратиш асосий мақсад бўлиши керак. Бунинг учун "ақли технологиялар"ни қўллаш, хизматларни арзон, сифатли, тезкор қилиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Турли ҳажмдаги самолётлар учун 24 та тураргоҳ барпо этилмоқда. Шундан учтаси "ҳаво кемалари"га музлашга қарши ишлов бериш учун мўлжалланган бўлади.

Аэропортда қаро хизмати ҳам йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида тўхталиб, юк ташиш рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Қаро барқарор ва манфаатли бўлиши учун доимий юк керак. Бунинг учун самолётларга хизмат кўрсатиш, юкларни ортиш ва етказиб беришни арзон ва тез йўлга қўйиб, бошқа авиакомпанияларни жалб этиш зарур. Бундан ташқари, вилоятда экспортбо мева-сабзавотларни кўпайтириб, уларни шу қаро орқали жаҳон бозорига чиқариш мумкин, — деди Президент.

Янги аэропортни жорий йил сентябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шундан

сўнг, у "очиқ осмон" режимида тўлиқ ишлай бошлайди. 1000 киши иш билан таъминланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаган эди.

— Бу жой Имом Бухорий бобомизнинг илмига, ислом оламидаги мақомига муносиб бўлиши керак. Мамлакатимизда зиёрат туризмнинг асоси аслида шу ер. Бу масканга қанча зиёратчилар келса ҳам, қулай шароит бўлиши зарур, — деган эди Шавкат Мирзиёев ушунда.

Шунга мувофиқ, мажмуанинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Президент ҳузурда бир неча бор тақдимот қилиниб, такомиллаштирилди. Жаҳон тажрибаси ҳам ўрганилди.

2021 йил муборак Рамазон кунларида ушбу зиёратгоҳнинг қурилиши бошланди. Шу муносабат билан бу ерда нурунийлар ва зиёлийлар билан учрашув бўлди.

Шавкат Мирзиёев мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни муборак Рамазон ойи билан муборакбод этди.

— Рамазон ойи — эзу ниятлар ижобат бўладиган муқаддас ой. Бу қурилиши шу ойда бошлаётганимиз ҳам хайрли, хосиятли бўлади, қалбимизга таскин беради. Бу соҳада қилаётган ишларимиздан мақсад — исломга эътиқодимизни, аллома болаларимизга ҳурматимизни илм билан билдириш. Аждодларимизга муносиб бўлиш биз учун жуда катта бурч, — деди Президент.

Ўтган йили пандемия туфайли Рамазон ойида диний амалларни уйда бажаришга тўғри келгани ёдга олинди. Бу йил эса масжидларимиз очик, мўмин-мусулмонлар карантин қоидаларига қатъий амал қилиб, ибодатларини адо этмоқда. Кексалар, ногирон ва ёрдамга муҳтож инсонлар, кам таъминланган оилаларга беғараз кўмак кўрсатилмоқда. Айниқса, бутун дунё оғир инқирозни бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб вазиятда бу жуда муҳимлиги таъкидланди.

— Муқаддас динимиз бизни инсонпарварликни, тинчлик ва осойишталикни қадрлаб яшашга, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади. Мана шундай тушунча ва қараш билан ҳар бир оила ва маҳаллада, бутун жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга эриша оламиз. Такрор айтаман, тинчлик ва соғлик бўлса, қолган ҳамма нарса бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

▶ Давоми 2-бетда

### ТЕНГҲУҚУҚЛИЛИК — АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ

## АРМОНЛАР ЧЕКИНДИ, ОРЗУЛАР РЎЎБГА ОШДИ

ёхуд Ватанга дахлдорлик ҳисси билан яшаш бахти



Мамлакатимизда инсон манфаатлари, қадр-қиммати юксак даражада улуғланаётгани, инсон ҳуқуқлари таъминланаётгани одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мисолида Ўзбекистон дунёга ўз мақомини кўрсатмоқда.

▶ Давоми 5-бетда

### МУНОСАБАТ

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ УЧУН ЯНГИ ДАВР

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Табиийки, ушбу қатламнинг ўй-фикри, муаммо ва орзу-умидларига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилади.

Кейинги пайтларда ёшларга эътибор, уларнинг келажағига ғамхўрлик, дахлдорлик ҳисси ҳар қачонгидан-да ортди. Юртимиздаги ислохотлар мазмунига эрта эгаларига доир муҳим масалалар ҳам киритилди. Уларни узоқ йиллар қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш талаби илгари сурилди. Президентимиз ёшлар бандлигини таъминлаш ва буш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида

"27 йил ёшларни ўқитмадик, дардига қулоқ тутмадик. Ёшлар биздан 20 баравар илгариларга кетди. Уларга етиш учун кўпроқ ишлаш, ўрганиш керак", деганда мутлақо ҳақ гапни айтди. Узоқ йиллар ёшлар билан ишлашга юзак қаралгани, улар билан ҳамнафас яшашга интилиш етарли бўлмагани туфайли бугун ҳал этишимиз зарур бўлган масалалар йиғилиб қолди.

▶ Давоми 2-бетда




Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори

### ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

## ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ: ДУНЁДА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ИШЛАР

"Олимларимиз берган маълумотларга кўра, 10-12 йил давомида денгизнинг қуриган қисмини дарахтзор ва бутазорларга айлантиришимиз мумкин. Бундан ташқари, янги унумдор яйловлар яратишга қурбимиз етади, бу чорвачиликни изчил ривожлантириш ва ўн минглаб одамларни иш билан таъминлаш имконини беради". Президентимиз 2018 йилнинг 24 августида Туркменистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Орolni кўтқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари мажлисида ушбу фикрни илгари сурган эди. Энди эса, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасининг яқинда тақдим этилган ушбу маълумотига эътиборингизни қаратсак.



▶ Давоми 4-бетда



Манба: Давлат статистика қўмитаси

# САМАРҚАНДНИНГ ТАРИХИЙ ШУҲРАТИГА МОС ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Бошланиши 1-бетда

Иш ўринларини кўпайтириб, аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида сўз юритилди.

— Тўрт йиллик изланиш, янгиланиш ва синовлардан ўтиб, катта тажриба ортирди. Халқимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ишларимиз бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Рамазон ойининг олижаноб ғоялари, муқаддас амаллари ҳам ана шундай эзгу мақсадларимизни рўйбога чиқаришда муваффақият қозонади, — деди Президент.

Қуръон оятларидан ўқилиб, дуо қилинди. Давлатимиз раҳбари мажмуада амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

Бу ерда катта масжид, тўртта симметрик минора, баланд айвонлар, йўлдан кириб келишда хибобон бўлади. Кўп сонли зиёратчиларга замонавий қулайликлар яратиш учун 7 та меҳмонхона, 3 та автотурагоҳ ва автобекат, супермаркет, бозорча барпо этилади. Шунингдек, ошхоналар, хўнарандчилик буюмлари растаси, ҳаммом, таҳоратхона, кушхона қурилиши белгиланган.

Маълумки, Президент ташаббуси билан 2019 йилда бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактаби ташкил этилган эди. Қурилажак янги мажмуа улар билан мутаносблиқда улкан маскан ҳосил қилади. Энди бу ерда зиёратчилар учун ҳамма шароитлар бўлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди.

Марҳумнинг ҳақиқа Қуръон тиловати этилди. Утганларни яхши амаллари билан эслаш, руҳларини шод этиш муқаддас қадриятларимиздандир. Уламолар билан суҳбатда Ислам Каримовнинг ана шундай инсоний фазилатлари ёдга олинди.

— Ислам Абдуганиевич камтар инсон эдилар. Бу мақбара ҳам ўзларига муносиб бўлган. Бу ерга меҳр берганмиз. Биринчи Президентимиз бошлаган ишларни давом эттиряпмиз. Руҳлари шод бўлсин, илоҳим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Аллоҳдан юртимизга тинчлик-фаровонлик, халқимизга саломатлик тилаб дуо қилинди.

Самарқанд — қадимий шаҳар. Унинг тарихий қиёфасини сақлаш муҳим бўлганидек, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжи учун шароит яратиш ҳам керак. Шу боис шаҳар чеккасидаги Қорасув мавзесида кўп қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилмоқда.

Ҳозир шаҳарнинг учта ҳудудида шундай аҳоли турар жойлари ташкил этиш белгиланган бўлиб, Қорасув уларнинг дастлабкиси. Шу вақтга қадар Самарқанд шаҳрида 12 қаватдан юқори бинолар қурилмаган. 2018 йилдан мазкур массивда замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида кўп қаватли уйлар қурилишига киришилган.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилда вилоятда ташириш чоғида бу ердаги дастлабки уйлари кўздан кечириб, янги лойиҳалар тақдими билан танишган эди. Утган даврда бу лойиҳалар ҳаётга кўчди. “Agromir Buildings” масъулият чекланган жамияти томонидан мавзеда 16, 15, 14 ва 12 қаватли жами 47 та турар жой қурилди. Уларда 3 минг 588 та хонадон бор.

Турар жойларнинг фасади уч қаватли қопламадан иборат бўлиб, бу хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини таъминлайди. Биноларга видеокузатув тизими, юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари ўрнатилган. Ҳар бир хонадон алоҳида иситиш қозони билан жиҳозланган. Уйлар эгаларига тайёр ҳолда топширилмоқда.

Умуман, Қорасув мавзесида қурилган кўп қаватли уйлар сони бугунга келиб 116 тага етди. Шунингдек, бу ерда 1 минг 600 ўринли мактаб, 120 ўринли болалар боғчаси, маҳалла фуқаролар йиғини биноси, савдо дўконлари, уйин ва спорт майдончалари барпо этилган.

Жорий йилда яна 7 та 16 қаватли, 2 та 25 қаватли уйлар қурилмоқда.

Мутахассислар кўп қаватли турар жойлар қурилиши бўйича концепция ишлаб чиққан бўлиб, бунда сейсмик устуворлик юқори ҳисобланади. Қорасув массиви 8 балли сейсмик ҳудудга кирди. Янги биноларни қуришда бу каби техник талаблар ҳисобга олинган ҳолда, 9 балли зилзилага чидамли қилиб бунёд этиляпти.

Давлатимиз раҳбари уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларининг сифатига алоҳида эътибор қаратди. Қурувчи ташкилотнинг сифат учун масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтирадиган механизм ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

— Ривожланган давлатлардагидек уйлар қуришни ўзлаштириш, энди хизмат кўрсатишни ҳам шунга яраша яхшилаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Чет эл тажрибаси асосида сервис турларини кенгайтириш, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи корхона ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус пункт ташкил этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Шу ерда Самарқанд шаҳри Бош режаси ва шаҳар ҳудудини кенгайтириш лойиҳалари тақдими ўтказилди.

Хусусан, Ширин маҳалласида 90 минг аҳоли учун янги шаҳарча лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозир бу ерда 1 минг 788 та яқка тартибдаги уй-жой бор. Янги лойиҳа бўйича турли ижтимоий соҳа объектлари, замонавий кўп қаватли уйлар бунёд этилиб, ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгаради.

Шунингдек, шаҳарнинг темир йўл орти ҳудудида жойлашган, етти мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган “Меҳнат”, “Матонат” ва “Майсазор” маҳалла фуқаролар йиғинларида кўп қаватли турар жойлар, дам олиш масканлари, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши лойиҳалари ҳам ўзига хос архитектура талаблари, янгича дизайн ва қулайликларни ўзида жамлаган. Бу ишларнинг амалга ошиши билан ҳудудда 13 мингдан ортиқ аҳоли учун 208 та кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа объектлар қад ростлайди. Мақсад аҳоли учун қулайлик яратиш, инфратузилмасини яхшилаш ва Самарқандни миллионли шаҳарга айлантиришдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманида барпо этилаётган туризм маркази қурилиши кўздан кечирди.

Ушбу мажмуа Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали бўйида, 212 гектар майдонда қурилмоқда. Лойиҳага кўра, бу ерда 10 та иншоот, жумладан, конгресс холл, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари бўлади.

Айни пайтда конгресс холл, “Абадий шаҳар” қарвон саройи ва 8 та меҳмонхона бунёд этил-

моқда. Меҳмонхоналарнинг иккитаси 22 қаватли, беш юлдузли, қолганлари тўрт юлдузли бўлади.

Маълумки, Самарқандда меҳмонхоналар кўп бўлишига қарамай, сайёҳлар оқими кўпайганда ўринлар етишмай қолади. Масалан, 2019 йилда шаҳардаги барча отеллар банд бўлган. Давлатимиз томонидан туризм ривожига катта имкониятлар яратилаётгани, 90 га яқин мамлакат фуқароларига визасиз режим жорий қилингани сайёҳларни янада кўпроқ жалб этмоқда.

Қурилаётган марказ туристик хабга айланади. Бу ерда халқаро анжуманлар ўтказиш учун ҳам кенг шариот бўлади. Уни 2022 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Президентимизга мазкур янги сайёҳлик маркази имкониятлари, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари марказ бошқарувини самарали ташкил этиш, туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Самарқанднинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари тақдими қилинди.

Самарқанд шаҳрида илк бор гастрономик кўча, Самарқанд тумани “Конигил” маҳалла фуқаролар йиғинида юртимиздаги биринчи туризм қишлоғи ташкил этилди. Бундай масканлар сайёҳларнинг вилоятда қолиш вақтини узайтириш билан бирга, ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига даромад манбаи яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур туристик маркази шаҳар билан боғлайдиган йўл ўтказгинчи бориб кўрди, Уста Умар Жўракулов ва Афросиёб кўчаларида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев “Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги фармонига асосан ташкил этилган мазкур иқтисодий зона мавжуд хомашё ва инфратузилмадан самарали фойдаланиб, қишлоқ жойларда sanoatни ривожлантириш, иш ўринлари очишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бугунги кунда “Ургут” эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш бошланган, уларда 4 минг 328 та киши меҳнат қилмоқда. Ушбу корхоналар томонидан газ плиталари, энгил sanoat ва чарм-пайабзал товарлари, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси буюмлари каби 220 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилда 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 30 миллион долларлик экспорт қилинган.

Президентимиз иқтисодий зона ҳудудидаги “Katalak Tekstil” корхонаси фаолияти билан танишди. Ургут туманининг Мерганча массивида жойлашган ушбу ширкатда гилам ва тафтинг, ковролин маҳсулотлари, синтетик ип ва сунъий чим ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонага Бельгия, Швейцария, Австрия, Франция ва Германия давлатларининг замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлари ўрнатилган. 328 та иш ўрни яратилган. Утган йили бу ерда тайёрланган 170 миллиард сўмлик маҳсулотнинг 59 фоизи ички бозорга, 41 фои-

зи хорижга сотилган. Жорий йилда 7,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиб, иш ўринларини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент “Сам электро сервис” масъулият чекланган жамияти маҳсулотларини ҳам кўздан кечирди.

Корхона “Идеал” бренди остида йилга 260 минг дона электр духовка, 150 минг дона газ плиталари ва улар учун қўшимча буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Унга Германия, Туркия ва Хитойдан замонавий, энергия тежовчи ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилган.

2020 йилда умумий қиймати 58 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, унинг 32 фоизи хорижга экспорт қилинган. Жорий йилда 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш кўзда тутилган.

Маҳсулот турларини кенгайтириш, замонавий электр техникалари ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасида айни пайтда қиймати 90 миллион долларлик 29 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши натижасида яна 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, қиймати 144 миллион долларлик 21 та қўшимча лойиҳа шакллантирилган, 206 миллион долларлик 33 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий зона имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги ва истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шу ерда самарқандлик нуронийлар билан мулоқот бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги “Sag Agro” масъулият чекланган жамиятининг “In vitro” лабораториясини бориб кўрди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш мақсадида лабораториялар ташкил этилмоқда. “Sag Agro” масъулият чекланган жамиятининг лабораторияси ана шундай замонавий мажмуалардан бири.

Умумий қиймати 2,6 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳа 2019 йил ишга туширилган. Натижада илгари хориждан олиб келинган мевали ва манзарали дарахт кўчатларини маҳаллий шароитда тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бу усул икки жиҳатдан жуда муҳим. Биринчиси, четдан келтирилаётган кўчатлардаги турли касалликларнинг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олди олинади. Иккинчиси, маҳаллий лабораторияда етиштирилган кўчатлар хорижикига нисбатан бир неча баробар арзон бўлади. Масалан, шу пайтгача чет элдан олиб келинган ёнғоқ кўчатининг бир донаси 5 доллардан 20 долларгача бўлган бўлса, бу ерда етиштирилаётгани 3-3,5 долларни ташкил этади.

Агрокимё ва тупроқшунослик лабораторияси ҳам ишга туширилган бўлиб, тупроқ, сув ва барг намуналарини ўрганиш йўлга қўйилган. Бунинг самарадорлиги шундаки, бўғдорчилик хўжалик-

ларининг тупроқ шароити ўрганилиб, унга мос кўчатлар тавсия қилинади. Натижада кўчатлар хатосиз униб, мўл ҳосил етиштирилади.

“In vitro” учун 24 гектар ер ажратилган бўлиб, 2 гектарда замонавий иссиқхона барпо этилган. Яна 3 гектар майдонда янги иссиқхона қуриш режалаштирилган. Қолган майдонда эса мамлакатимизда учрамайдиган 65 хил мевали дарахтлар кўчати олиб келиниб, парвариш қилинади.

Лабораториянинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 15 миллиондан 20 миллион донагача пайвандга ҳамда пайвандланган кўчатлар етиштириш имконини беради. Айни пайтда бу ерда ёнғоқ, бодом, шафтоли, гилос, ўрик, нок, олма каби экспортбоп меваларнинг касалликдан холи, иқлим шароитимизга мос кўчатлари етиштирилмоқда.

— Бу қўшилган қиймат яратишда инқилобий усул. Биз ўттиз йил шунга интилдик. Илмий ёндашув билан самарадорлиқни ошириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил 2 миллион дона турли мевали ва манзарали кўчат етиштириш режалаштирилган. Йил якунига қадар, шунингдек, 500 минг дона ёнғоқ ва бодом кўчатларининг истиқболли мева пайвандтаглари қилинади.

Лаборатория 2024 йилда тўлиқ қувват билан ишлаши ҳисобига бу ерда йилга 20 миллион дона кўчат етиштириш йўлга қўйилади. 2023 йилдан кўчатлар экспортга чиқарилиши режалаштирилган. Ушбу лаборатория ва иссиқхонада 140 та янги иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ёш мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Келажагимиз — сизларнинг илмингиз. Ҳозирги давр талабини кўраясизлар. Мен ёшлар форумида айтганимдек, илм ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик. Шундай экан, кўпроқ ўқинлар. Бугун қайси ёш ўзини қийнаб, билим олиб, тажриба ортирса, келажақда албатта натижаси бўлади, — деди Президент.

Шу ерда вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Ўзбекистонда пистанин янги серхосил 12 нави яратилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди. Ўрмон хўжалиги тизимида павлония етиштириш ҳажми кенгайтирилиб, ундан мамлакатимизда биринчи марта мебель ишлаб чиқарилди. Павлониянинг лаванда, годжи каби маҳаллий иқлим шароитида мос 8 та турини етиштириш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари павлония дарахти етиштиришни кўпайтириш, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, зарур маблағ ажратиш бўйича топшириқ берди.

Ўрмон хўжалиги ерларини келгусида узоқ муддатли ижарага бериш орқали маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига таширфи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**  
**Ўза муҳбирлари**

## МУНОСАБАТ

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ УЧУН ЯНГИ ДАВР

Бошланиши 1-бетда

Бугун — ёшлар масаласида гап кетганда ҳеч ким четда турмайдилай пайт. Уларнинг муаммоси — барчанин муаммоси экани айни ҳақиқат. Бугун ҳаммамиз яқдил, ҳамжиҳат ҳаракат қилсак, ёшларнинг ҳаётий қийинчиликлар, мақсади йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишига кўмаклашган бўлаемиз. Ингилишда ҳам айнан шу масалалар хусусида сўз борди.

Хусусан, ёшлар билан ишлайдиган муассасалар имконияти кенгайтириладиган бўлди. Жумладан, ёшларни ишга қабул қилган корхона ёки компанияларга ушбу ходимлар учун тўланадиган ижтимоий солиқ қайтариб берилади. Айтилиш, етти юз минг ёшни ишга қабул қилган тадбиркорлар ихтиёрида бир триллиондан зиёд сармоя қолади. Бу механизм йўлга қўйилиши натижасида тадбиркорлар ҳам, ёшлар ҳам манфаатдор бўлади.

Одатда “Ёшлар дафтари”га 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ижтимоий ҳимога, иқтисодий ва психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож, ишсиз ёшлар киритилади. Мазкур платформа киритилган йигит-қизларга амалий ёрдам бериш борасида ҳам тизимли ишларни бажариш кўзда тутилган. Жумладан, рўйхатга киритилган талабалар корхона ва компанияларда амалиёт ўтаса, уларга 500 минг сўмгача субсидия ажратиладиган бўлди. Бу эса ёшларнинг касб-хунар ўрганишга қизиқишини ошириш учун яна бир рағбатдир.

Бугун ёшлар бандлиги масаласи кун тартибда турибди. Давлатимиз раҳбари бу муаммонинг ечимини ҳам ўзи тақлиф этди. Мисол учун, “Ёшлар дафтари”га кирган беш нафардан

ортиқ ишсизнинг бандлигини таъминлаган тадбиркорларга давлат мулки ижараси учун эллик фоизгача имтиёз қўлланиладиган бўлди. Энди тадбиркорлар ижара ҳақидан тежаб қолган маблағлари эвазига ўз фаолиятини янада кенгайтириши, янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

Бугунги тежвор ва глобаллашган давр юқори малакали дастурчи ва мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шу маънода ҳар бир ҳудудда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг амалиётга татбиқ этилиши ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очади. Дейлик, лойиҳани муваффақиятли тамомлаган ва қўлида сертификати бор ёшлар ўз фаолиятини мустақил бошлаши учун етарли маблағи бўлмаса, компьютер харид қилиш учун “Микрокредитбанк”, “Алоқабанк” ва “Халқ банки” кредитлар ажратади. Энг қувонарлиси, ушбу кредитларнинг фоиз ставкалари давлат бюджети томонидан тўлиқ қопланади.

Хусусий корхоналарда янги иш бошлаган ходимларни қайта тайёрлаш харажатиининг бир миллион сўмгача бўлган қисмига субсидия берилиши ҳам сифатли кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Янги билим ва ғояларга бой бўлган ходим ўзи ишлаётган корхонаниннг обрўси, мавқеини ошириш учун сидқидилдан меҳнат қилади. Бундай жойда ўз-ўзидан юқалиш, ўсиш бўлади.

Ёшларнинг профессионал таълим мактаблари, техникумларда ўқиши учун тўланадиган контракт суммасининг даромад солигидан озод этилиши кўпчилик ота-оналарни, йигит-қизларни қувонтирди. Икки ва ундан ортиқ фарзанди таълим оладиган оилалар рўзғори учун қанча маблағ тежалишини бир тасаввур қилиб кўринг.

Яна бир қувонарли жиҳат шуки, талабалар ижара тўловининг ярими давлат томонидан қопланадиган бўлди.

Субсидиялар беришининг очил-ошқоралигини таъминлаш мақсадида электрон платформа ишга туширилади. Ёшлар ушбу платформадан туну кун фойдаланиши, муаммоси бўйича молья вазирига мурожаат қилиши мумкин.

Ҳудудларда етмиш етти ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонаси ишга туширилади. Шунингдек, бу йил қўшимча йигирма мингтага-

ча ўрта тиббиёт ва ижтимоий ходимлар штатини ташкил этиш ҳисобига минглаб ёшларнинг бандлиги таъминланади. Чекка ҳудудларда, ҳатто баъзи шаҳар, туман марказларида ҳам тиббиёт ходимларига талаб юқори. Юртдошларимизнинг турмуш даражасига ҳамоҳанг тарзда ўз саломадлигига эътибори, тиббий маданияти ҳам ошяпти. Бундай ҳолатда тиббиёт муассасаларидаги ходимларнинг ҳозирги сони аҳолининг тиббий хизматга эҳтиёжини қондиროлмай қолиши мумкин. Шу боис ҳам



МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЁРУҒ ЮЗИ ВА ВИЖДОНИ КЎЗГУСИ

Лутфулла СУВОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Маҳалла ҳақида сўз борганда кўпчилик уни ватан ичидаги кичик ватанга қиёс қилади. Бу бежиз эмас, чунки фарзанд тарбияси, меҳр-оқибат, аҳиллик, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, тўй-ғомоша, ҳашар, умуман яхши-ёмон кунда бирга бўлиш каби эзгу фазилатлар айнан маҳалла муҳитида шаклланиб кетган. Қолаверса, халқимиз қадимдан маҳаллани миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани сифатида ардоқлаб келган.



Маълумки, давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг турли ҳудудларига ташири чоғида маҳалла тизими, унинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, "Ислохотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилади. Шу маънода, "Маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси" эканини таъкидлаб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган келинаётган "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари асосида олис-олиқ қишлоқларимизда, маҳаллаларимизда қурилиш, бунёдкорлик ишлари авж олиб, юртимизнинг ҳар бир гўшаси обод маканларга айланмоқда. Бугунги кунга қадар ушбу дастурлар доирасида 5 миллионга яқин юрtdошимиз яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқдаги шароитлар яхшилангани жорий йилнинг 24 март кунги видеоселектор йиғилишида айтиб ўтилди.

Ана шундай улугвор ниятлар билан бошланган изчил ислохотларнинг самарасини барчамиз ўз ҳаётимиз, тақдиримиз мисолида кўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиш, ашаб турган уйимиз, маҳалламиз ободлигини таъминлаш ҳар биримиздан улкан масъулият ва жонбозликни талаб этади.

— Бугун маҳалла раиси зиммасидаги вазифалар салмоғи оғир, — дейди Чилонзор туманидаги "Фидокор" МФЙ раиси Камолитдин Матқубов. — Уни ҳамма ҳам тортиб кетолмайди. Бу жараёнда аҳолининг маҳалла мутасаддилари билан ҳамжиҳатлиги ҳудуд тозаллиги ва ободлиги, оилавий ажримлар, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, бугун баъзиларда лоқайдлик, эътиборсизлик кайфияти пайдо бўлгани ҳам бор гап. Кўпчилик ҳатто ўз уйини, ҳовлисини ободонлаштиришга, тозалашга эринида. Буни қачон сектор раҳбари, ободонлаштириш ходимлари ёки маҳалла келиб тозалаб беради, деб кутади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун мунтазам тарғибот-ташвиқот тадбирлари йўлга қўйилган. Чунки маҳалла ободлиги, озодлиги — ҳар бир фуқаронинг яшаш тарзига берилган баҳо.

ОБОДЛИК ВА ОЗОДАЛИК  
БОР ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган "Пахтакор" маҳалласи ҳам кўп йиллик тарихга эга. Айни пайтда бу ерда 840 та хонадонда 6 400 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Худудда иккита мактабгача таълим ташкилоти, битта мактаб ва оилавий поликлиника мавжуд.

Маҳалла биноси 2018 йилда фойдаланишга топширилган. Бу ерда фаолият олиб бориш учун барча шароитлар бор. Маҳалла раисининг ташаббуси билан белгиланган жадвал асосида спорт тўғрисидаги барча бир қаторда фан тўғрисидаги фаолият кўрсатмоқда.

— Беш йилдан буён ушбу маҳаллада фаолият юритаман, — дейди "Пахтакор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Санжар Жалолов. — Асли шу маҳаллада туғилиб ўсганман. Шунинг учун маҳалламни жуда яхши кўраман. Ҳар кун иш кунини худудда осойишталигини таъминлаш, ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш ва зарур чора-тадбирларни кўришдан бошлайман. Айни пайтда ишимизни "маҳаллабай" тизими асосида йўлга қўйдик. Бунда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" асосида ҳар бир хонадонда бўлиб, "фуқаробай" ўрганилмоқда. Аниқланган камчилик ва муаммоларни имкони борича жойида ҳал қилишга эришилмоқда. Шу билан бирга фуқароларга ўз уйини, маҳаллани обод қилиш, тоза сақлаш бора-бора зарур тавсияларни ҳам бериб бораёмиз.

Ҳаракатларимиз ўз самарасини берапти. Тадбиркор, ҳомийлар томонидан болалар майдончалари, мини футбол майдонлари бунёд этиляпти. Аҳоли ҳам бу савобли ишларга ўз хиссасини қўшяпти.

Жумладан, маҳалламиз худудда жойлашган 81-умумтаълим мактаби ўтган йили тадбиркор ва ҳомийлар кўмағида тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

— Мактабимиз 1963 йилда қурилган, — дейди 81-умумтаълим мактаби директори Зиёда Ҳайдарова. — Бу ерда 1600 нафар ўқувчи икки сменада таълим олади. 2020 йилда Президентимизнинг қарорига асосан мактабнинг халқаро фан олимпиадаларидаги ютуқлари ва салоҳияти эътиборга олиниб, математика фанига ихтисослаштирилди. Давлат тест маркази билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Қайд этиш жоизки, маҳалла билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Маҳалла раисининг саяҳатлари билан мактабнинг орқа ҳовлисида бўш турган майдонни болалар ва катталар учун спорт майдончасига айлантиришга киришилди. Жорий йилда нафақат мактаб ўқувчилари, балки маҳалла аҳли халқроқ стандартлар асосида барпо этилаётган ўз спорт майдонига эга бўлади. Бу ерда эни 20, узунлиги 40 метр бўлган мини футбол майдони, теннис корти, баскетбол ва волейбол майдони қад ростлайди.

— Амалга оширилган чора-тадбирлар натижа-сида ўтган йил пандемия даврида "Темир дафтар"га киритилган 80 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиб, дафтардан чиқарилди, — дейди С.Жалолов. — "Аёллар дафтари" бўйича 38 нафар хотин-қиз, "Ёшлар дафтари"да 50 нафар ёш рўйхатга олинган. Бу фуқароларнинг асосий қисмини ишсизлар ташкил этади. Шунинг учун "1+1" лойиҳаси асосида тадбиркорликка жалб этиш, банк кредити асосида ўз-ўзини банд қилиш, касбга ўқитиш курсларини ташкил этиш борасида қатор ишлар олиб боришмоқда. Ҳозирда саккиз нафар ёш ўқитилди ва тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёшлар ўз қобилиятини намоийш этишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун барча имконият яратилган. Бу борада "Ёшлар дафтари" шакллантирилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. "Пахтакор" маҳалласида айни шу дафтарга киритилган ва ҳозирда тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, ўзи тенги ёшларни иш билан таъминлаб келаётган ёшлар ҳам талайгина.

Ана шундай ёшлардан бири Дилмурод Содиқов кўпдан бери ишсиз, хунарсиз, даромадсиз эди. У ўзини савдо-сотик йўналишида синаб кўришга қарор қилди. Маҳалла ва тегишли соҳа вакиллари кўмағи билан мўъжазгина савдо шохобчасини ташкил этди. Эътиборлиси, юртимиздаги нуфузли

ишлаб чиқариш корхонаси билан тузилган шартнома асосида маҳсулотлар турини кўпайтириб, ўз миқозларига эга бўлди.

— Тадбиркорлик фаолиятини ўтган йили бошладим, — дейди Дилмурод Содиқов. — Маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилади. Хом-ашёни Россиядан оламиз. Бизда асосан паролонлар тайёрланади. Бу маҳсулот юмшоқ мебеллар, болалар ўйинчоқлари ва ётоқ мебеллари ҳамда тушакларга ишлатилади. Корхонамизда бир пайтлар ўзим сингари ишсиз бўлган 5 нафар ёш меҳнат қилмоқда. Келгусида шохобчани кенгайтириш ва туманимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ана шундай дўкнлар фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирямиз.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда яратилаётган шароитлар туфайли бугун барча соҳаларда аёлларнинг фаолиги ошмоқда. Айниқса, тикувчилик хунарини ўрганиб, шу йўналишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этади. "Пахтакор" МФЙ раиси С.Жалоловнинг таъкидлашича, "Аёллар дафтари"га киритилган Назоқат Зокирова ёшлигида онасидан дўппи тикиш сирларини ўрганган. Маҳаллада ташкил этилган ўқув курсида тикувчилик сирларини пухта эгаллаган Назоқат ўз уйда аёллар либослари тикишни бошлади. Бугун эса у ўзининг тикувчилик цехини очди.

— Бу касбга қизиқиш онамдан ўтган, — дейди Назоқат Зокирова. — Мен "Аёллар дафтари"да рўйхатда турардим. Ўйлаб қарасам, қўлимда яхшигина хунарим бор. Инсонда хоҳиш ва ҳаракат бўлса ҳамма ишни уддалар экан. Қолаверса, юртимизда хотин-қизларга барча шароит яратилган. Ана шундай имкониятдан фойдаланишни дилимга тугдим. Ҳозирда ўзим каби "Аёллар дафтари"га киритилган беш нафар тенгдошим билан фаолият бошлаганимиз. Олптига тикув машинаси бор. Келгусида банкдан кредит олиб фаолиятимизни кенгайтиришни режалаштирямиз.

— Жорий йилнинг ўтган даврида хонадон-ма-хонадон юриб, аёлларимизнинг эҳтиёжлари ва муаммоларини ўргандик, — дейди Учтепа туманидаги "Пахтакор" МФЙ раиси ўринбосари Дилбар Ҳожимуродова. — Шу асосда "Аёллар дафтари" шакллантирилди. Мазкур дафтарга 9 тоифадаги аёллар киритилган. Жумладан иқтисодий, тиббий, психологик, ҳуқуқий ҳимояга муҳтож, ишсиз аёллар, боқувчиси йўқ, ногиронлиги бўлган шахслар шулар жумласидан. Айни пайтда дафтарга киритилган 11 нафар ишсиз аёллардан туман Аҳоли бандлиги кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда олиб борган саяҳатимиз натижасида 3 нафари ишли бўлди. Бундай ишлар тизимли давом этмоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Табий қазилма бойлиқлар захираси чекланган ва эртами кечми қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга мажбур бўламиз. Бу борада қуёш, шамол ва водород энергиясидан фойдаланиш энг истиқболли йўналишлардан ҳисобланиб, қайта тикланувчи энергия манбалари туркумига киради. Ўзбекистон 2018 йилда иқлим ўзгаришлари бўйича Париж битимини имзолади ва ҳароратнинг мунтазам ошиши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида ялпи ички маҳсулотда углерод ҳажмдорлигини 2030 йилда 2010 йилдагига нисбатан 10 фоиз камайтириш мажбуриятини олди. Уни бажариш мамлакат ёқилғи-энергетика мажмуасини углерод ёқилғиларига қарамлигини камайтириш, энергия манбаларини диверсификациялаш ва тизимларни интеллектуализациялаш каби барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим аҳамият касб этади.



ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИ:

ТАРАҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ



Нуратдин МАТҚОНОВ,  
техника фанлари доктори

Водород энергиясининг иқтисодиёт турли соҳаларидаги, жумладан, энергетика, кимё sanoатида ва транспорт инфратузилмасидаги ўрни беқиёсдир. Хусусан, ички ёнув двигателлари га ёқилғи сифатида ишлатишда у бошқа манбааларга нисбатан юқори самардорликка эга. Шу билан бирга, водород энергиясидан фойдаланилганда атмосферага заҳарли қарбонат ангидрид газларининг (CO<sub>2</sub>) чиқарилмаслиги унинг экологик жиҳатдан ҳам

афзаллигини таъминлайди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, водородни ишлаб чиқаришда барибир ањъанавий ёқилғи манбааларидан фойдаланишга тўғри келади. Бироқ охириги йилларда олиб борилаётган изланишлардан маълумки, қуёш ва шамол электр станцияларидан фойдаланган ҳолда, "яшил" водород олиш ва унинг иқтисодиётимиз турли соҳаларида қўлланилиши катта имкониятлар яратади. Республикамизда ана шундай йирик станцияларни қуриб, ишга туширилиши натижасида яқин келажақда электр энергияси танқислиги муаммоси тўла ҳал қилинади. Бинобарин, йилдан йилга, улар томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясининг таннарни арзонлашмоқда ва водород олиш технологиялари тақомиллашиб, атмосферага чиқариладиган CO<sub>2</sub> газининг улуши тобора камайиб бормоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон электр энергияси экспорти-ни бир неча баравар ошириш ва "яшил" водород ишлаб чиқариш имконига эга бўлади ва бу соҳада ўн минглаб юқори технологик ишчи ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан худди шу



ВОДОРОДНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БАРИБИР АНЪАНАВИЙ ЁҚИЛҒИ МАНБААЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. БИРОҚ ОХИРИГИ ЙИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЗЛАНИШЛАРДАН МАЪЛУМКИ, ҚУЁШ ВА ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА, "ЯШИЛ" ВОДОРОД ОЛИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТАДИ.

каби муҳим жиҳатлар иноватга олинган ҳолда, Энергетика вазирлиги ҳузур-ида Қайта тикланувчи энергия манба-

лари миллий илмий-тадқиқот институти ҳамда ушбу институт тузилмасида Водород энергетикаси илмий-тадқиқот

маркази, қайта тикланувчи ва водород энергетикаси технологияларини синаш ва сертификатлаш лабораториясини ташкил этиш кўзда тутилган.

"Йул харитаси"да ушбу соҳадаги етакчи илмий муассаса фаолиятининг устувор йўналишлари қамраб олинган бўлиб, бунда, авваламбор, соҳа ривожига қаратилган илмий-тадқиқот изланишларини мақсадли ва тизимли ташкил қилиш ҳамда уларнинг натижаларини, иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий соҳада энергия самардорлигини янада оширишга, ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга эътибор қаратилган. Водород технологиялари бўйича илмий-техник кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу йўналишдаги илмий изланишларга хорижий мутахассисларни жалб этиш, юқори малакали кадрларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўйиш ҳам устувор вазифалар сирасига киради. Тошкент давлат техника университетидан "Муқобил энергия манбалари" бакалаврият таълим йўналишига қабул параметрларини ошириш, 2024–2025 — ўқув йилидан бошлаб университетда "Водород энергетикаси ва технологиялари" магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ва водород энергетикаси технологиялари ихтисослиги бўйича докторантура

фаолиятларини ташкил этиш чоралари ҳам кўзда тутилган.

Маълумки, соҳани ривожлантиришда "яшил" водород энергиясини олиш қанчалик муҳим бўлса, уни сақлаш ҳамда тақсимлаш манзилларига етказиб бериш ҳам шунчалик масъулиятни тақозо этади. Бу борада хорижий ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қўлланилаётган технологияларни халқаро андозалар, стандартларга мос келишини синаш ва сертификатлаштиришни йўлга қўйиш соҳа ривожига ва инфратузилмасининг кафолати ҳисобланади. Шу нуқтага назардан, қайта тикланувчи ва водород энергетикаси технологияларини синаш ва сертификатлаш лабораториясини норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва (ёки) уларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар талабларига мослаштириш ишларини йўлга қўювчи ва тартибга солувчи муҳим таркибий тузилма бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари каби водород энергетикаси ҳам энди ривожланиб келаётган соҳа бўлиб, бу борада дунёда етакчи саналган АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Жанубий Корея, Хитой каби давлатлар компанияларининг фаолиятини ўрганиш, уларда ёш, умидли олимлар, илмий тадқиқотчиларимизнинг малака оширишини таъминлаш мазкур соҳа бўйича институционал муҳитни жадал ривожлантиришда асқотади.

# ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ: ДУНЁДА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ИШЛАР

## ТАХЛИЛ ВА ТАҚҚОС



Бошланиши 1-бетда

### Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

“Сўнгги уч йил ичида Оролнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш бўйича дунёда муқобили бўлмаган ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида қарийб, 2 миллион гектар майдонда ўрмонлаштириш ишлари амалга оширилиб, саксовул ва бошқа чўлга чидамли ўсимликлар уруғлари севилади. Орол денгизининг суви қуриган майдонда тажриба учун

“Орол-Оазис” ташкил этилиб, ҳар хил турдаги манзарали ва мевали дархат кўчатларини экиш ишлари олиб борилляпти”.

Кейинги пайтда Оролқумда амалга оширилаётган мисли кўрилмаган ишлар инсоннинг яратувчанлиги имкониятини намойён этётган бўлса, режа-ҳажм кетидан қувиш тизими нечоғлик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан сўзлайди.

## ДЕНГИЗ ЎРНИДА “ОРОЛҚУМ” САҲРОСИ

Ўтган асрнинг иккинчи ярмига қадар дунё қитъалари ичидаги сув ҳавзалари орасида Орол денгизи ўзининг катталиги жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллаган. Шундан кейин терморегуляторлик вазифини кескин камайиб бориши оқибатида унинг майдони 8, ҳажми 13 баробарга қисқарди ва 90-йилларга келиб, Кичик ҳамда Катта Оролга бўлинди.

Бундан ярим аср аввал денгиз сув таркибидаги туз миқдори ҳар литрга 11-12 граммни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич айрим жойларида 300 граммгача етган. Орол эндиликда жажоннинг энг йирик шўр сув ҳавзаси саналади.

Бир пайтлари бу ерда балиқнинг 60 дан зиёд тури учрагани, ўтган асрнинг 60-йилларида йилга 35 минг тоннагача балиқ овлангани айтилади. Лекин эндиликда унинг сувида артемиядан бошқа бирон-бир жонзот яшайди. Умуман, ўтган даврда Оролбўйи ҳайвонот дунёсининг 50 фоиздан ортиги бой берилди. Оролбўйи ҳудудидagi туқайзорлар майдони деярли 90 фоизга қисқарди.

Оролбўйи ҳудудда вужудга келган экологик танглик аҳоли саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатяпти. Одамларда юрак-қонтомир, ошқозон-ичак, нафас олиш органлари касалликлари (ўпка сили, астма, бронхит) кўпайди. Худудда камқонлик касаллиги ошганлиги кузатилади.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича олиб борилган тадбирлар қўламга назар ташласак, энг аввало, кейинги тўрт йилда бу борада амалга оширилаётган ишлар жадаллашиб, мисли кўрилмаган даражада кенг қўлам ва халқро аҳамият касб этётгани эътиборни тортади. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ва экспертлар қайд этган ушбу маълумотларнинг асосий жиҳатлари ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Президентимизнинг 2017 йил 18 январдаги қарори билан Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тасдиқланди. Унда турли хил молиялаштириш манбаларидан, бюджет маблағлари, шу жумладан, халқро молия институтларининг мақсадли ҳамда грант маблағлари, кредитларни жалб қилиш ва ўзлаштириш ҳисобига 67 та лойиҳанинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТнинг 72-сессиясида Президентимиз тарихда биринчи бор, БМТ олий минбарига денгизнинг харитасини бутун жаҳон ҳамжамиятига кўрсатиб, муаммонинг нечоғли чуқур ва нақадар мураккаблигини қуночаклик билан очиб берган, денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишда халқро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришга даъват этган эди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 16 октябрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Орол денгизи

## ИНҚИРОЗ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

халқро инновацион марказини шакллантириш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Ушбу марказ Орол денгизи қуриган тубидаги шурланган ерларда экотизим ва барқарор турмуш даражасини таъминлаш, халқро ташкилотлар билан ҳудуддаги турли хил муаммоларнинг ечимларини ва инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ҳамкорликни ташкил этиш масалалари билан шуғулланади. Айни кезда “Мўйноқ” ва “Саманбай” тажриба-синов майдонларида шўрланиш ва қўрғоқчиликка чидамли ўсимликлар генофондини шакллантириш, ўсимлик дунёси объектиларини синовдан ўтказиш ишлари олиб борилляпти. Шу билан бир қаторда “My garden in the Aral Sea” (“Оролдаги боғим”) агро ва экотуризм лойиҳаси ҳам амалга оширилляпти.

2018 йилда Президентимиз ташаббуси ҳамда БМТ Бош котиби шафелида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст жамғармаси ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар жамғарма фаолияти учун донор мамлакатларнинг жами 26,1 миллион АҚШ долларига тенг маблағи жалб қилинган ва 47 та лойиҳа шакллантирилган. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 29 декабрдаги Олий Мажлиса Мурожаат-

номасида мақкур жамғарма фаолияти бўйича халқро ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Чунки, бу молиявий муассаса оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТнинг 75-сессиясида сўзлаган нутқида Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш, ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган сани эса Халқро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш кунли сифатида нишонлаш таклифини илгари сурди. Шу ўринда Барқарор инвестициялар бўйича Катта Париж альянси президенти Никола Бушунинг сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ келади.

“2019 йилнинг октябр ойида БМТ шафелида ўтказилган “Оролбўйи — экологик инновация ва технологиялар ҳудуди” мавзусидаги халқро конференциядан сўнга Ўзбекистон Президентининг Бош Ассамблея 75-сессиясидаги ташаббусига биноан янги ривожланиш босқичига гувоҳ бўл-

дик. Ишончим комилки, келгуси ўн йиллик Ўзбекистон ва Оролбўйи ҳудуди аҳолиси учун атраф-муҳитни тиклаш йили бўлади”.

БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан Оролбўйи ҳудудидagi қишлоқ жойларида бизнес лойиҳалар ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Қатор вазирлик ва идоралар билан имзоланган ўзаро аниқлаш меморандуми доирасида 2020 йил “Яшил Орол денгизи” ташаббусига старт берилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 100 гектар қўрқ денгиз тубида саксовул кўчатлари экилади.

2021 йил 25 март кунли Давлат экология кўмитаси ҳамда Глобал яшил ўсиш институти ҳамкорликдаги лойиҳа амалга ошириш режалаштирилляпти билдирилди. Унинг умумий қиймати 5,65 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, Халқро ҳамкорлик бўйича Корея агентлиги (KOICA) томонидан молиялаштирилади. Асосий мақсад Орол денгизи таназзули оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиш, ҳаётий таъминот ҳамда табиий хавфларга барқарорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилашга қаратилган. Бундан ташқари, яқин кунларда қорорида баён этилган институтининг Марказий Осиёда ягона бўлган ваколатхонаси очилиши кутилмоқда.

## ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУДУДИ

Президентимиз томонидан илгари сурилган қуриган денгиз ўрнида яшил қўламалар, яъни ўрмонзорлар барпо этиш лойиҳаси энг самарали усул ҳисобланади. Бу тажриба — олимлар ва ўрмон хўжаликлари мутахассислари томонидан ҳам амалда исботланган. 2018 йил декабрь ойидан бошлаб мақкур йўналишдаги дунёда мисли кўрилмаган янги амалга оширишга кенг миқёсда киришилди. Хусусан, 2019-2020 йилнинг ўзида 1,2 миллион гектар майдонга саксовул, қандим ҳамда чўлга чидамли бошқа ўсимликлар экилди.

— Ўрмонлаштириш тадбирлари денгиз чекингандан кейин, яъни ўтган асрнинг 80 йилларида бошланган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Абдураҳим Қурбонов. — Қарийб 40 йил давомида атиги 400 минг гектар майдон ўрмонлаштирилган. 2018 йилгача, яъни унинг янги даври бошлангунга қадар, Мўйноқда ўрмонлаштириш тадбирларига атиги иккита трактор (Т-28 маркали) ва 10-15 ишчи жалб қилинган бўлса, кейинги уч йил мобайнида улар сони бир неча юз баробарга ошган. Хусусан, 2018-2019 йилларнинг қиш-баҳор ойларида Орол денгизининг қуриган майдонларида 1500 га яқин ишчи, шу жумладан, маҳаллий аҳоли кучи ёрдамида 1532 тонна чўл ўсимликлари, асосан саксовул уруғи тайёрланди. 2 та самолёт (АН-2) ва 500 га яқин махсус техниклардан фойдаланилди.

2019-2020 йилларда Возрождение ва Ақпеткей ҳудудларига 700 минг гектар майдонда “яшил қўлама” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо қилиш учун чўл ўсимликларини экиш белгиланган эди. Ўтган йил март ойи охирида бу режа ортиги билан бажарилди. Оролнинг суви қуриган 706 минг 401 гектар майдонда ўрмонлаштириш ишлари олиб борилди. Жамғарилган 4,3 минг тонна чўл ўсимликлари уруғларини экишга 1000 та техника ва механизм, 6 та самолёт ва 2 та дельтаплан жалб этилди.

— Кейинги икки йилда ўрмон-мелиоратив тадбирлари учун ўрмон хўжаликлари ишчилари ва аҳоли томонидан 4,3 минг тонна чўл ўсимликлари бўлган саксовул, қорабурок, қандим, черкез ва чўл яйлов ўсимликлари уруғлари жамғарилди, — дейди Ўрмон

хўжалиги давлат кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Зафар Эшонқулов. — 2021 йилда ҳам Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи минтақасида 547 минг гектар “яшил қўламалар” барпо этиш ишлари давом этиляпти. Эндиликда бундай тадбирлар нафақат Қорақалпоғистон Республикасидаги Орол денгизининг қуриган тубида, балки Оролбўйи минтақаси бўлган Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг чўл ҳудудларида ҳам амалга оширилади.

Табиийки, ҳосил қилинаётган “Яшил қўлама” майдонларининг кўпчилик қисмини саксовулзорлар ташкил этиляпти. — Саксовул шундай ўсимликки, агар уни етти қатор қилиб эксангиз, у 5-7 йилда 90 фоиз кўмин ушлаб қола оладиган даражада катта бўлади ва у ўзидан кўпайиш хусусиятига эга, — дейди Борий Алихонов. — Оролнинг тубидаги каби саксовулзорлаштиришнинг дунёда муқобили йўқ Албатта, бошқа давлатларда ҳам экилган, лекин Ўзбекистонда қилинаётган ишлар қаровини бирортаси билан уларни умуман таққослаб бўлмайди. Бизда ниҳоятда кўламли.

Оролнинг қуриган майдондаги саксовуллар орасига ёввойи ҳайвонлар ва чорва учун озуқабол экин-

лар ҳам экилмоқда. Ушбу ҳудудда ўнлаб артезиан кудуғи қазилляпти. Улардан чўққ сув чиқаяпти. Бу келажақда чорвачиликни ривожлантириш учун шароит яратаяпти.

Орол бежиз инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб аталаётганига қатор мисолларни келтириш мумкин. Денгизнинг гарбий қисмида жуда катта ҳажмда литий мавжудлиги аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, уни сувдан ажратиш олиб, қувват ҳосил қилувчи турли хилдаги батареяларни ишлаб чиқариш мумкин. Дунёда литийнинг бармоқ билан санарли қонлари мавжудлиги инобатга олинса, бу борада инвестициялар киритишнинг манфаатли ва жозибадор экани намойён бўлади. Шунингдек, ҳудуд газ қонлирга эгалиги, денгизнинг қолган қисми артемиа цисталарига бойлиги билан ҳам эътиборни тортади.

— Орол денгизининг қуриган тубини ўрмонлаштириш, аввало, атраф-муҳит ҳолатини юмшатиш, табиий ресурсларнинг деградацияси олдини олишга шароит яратаяпти, — дейди Борий Алихонов. — Иккинчидан, денгизнинг қуриган тубидан қум ва чанг кўтарилишини максимал даражада олдини олишнинг таъминлайди. Учундан, фауна олами вакилларининг кўпайиши ва тарқалиши учун қулай экотизим шаклланади, тўрттинчидан эса, чўл ўрмонлари майдонларининг ва биохимия-хилқилинган кенгайиши минтақда иқлим ўзгаришини юмшатишга шароит яратаяпти.



## ТОМОРҚА

Тўлқин САТТОРОВ,  
Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
кенгаши раисининг ўринбосари

Бугунги кунда юртимизда 5,5 миллиондан ортиқ деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаси фаолият юритмоқда. Уларнинг ихтиёрида 502 минг гектар экин ерлари мавжуд. Демак, асосий экин майдонларининг каттагина қисми аҳоли ихтиёрида экан, уларнинг эгаларида ушбу имкониятдан оқилона ва самарали фойдаланиш кўникмасини шакллантириш зарур.

Қайд этиш керакки, кейинги йилларда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича бир нечта қарорлар қабул қилинди, қонунларимизга ўзгартириш киритилиб, тақомиллаштирилди. Экин еридан самарали фойдаланган томорқа ер эгаларини рағбатлантириш механизми жорий этилди.

2018 йил 24 декабрда Солиқ кодексининг 311-моддасига ўзгартириш киритилгани ҳам ана шундай эътибор намунаси, дейиш мумкин. Унга қўра, деҳқон хўжаликлари аъзолари ҳамда 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бoshдан кам бўлмаган парранда парваришляётган жисмоний шахслар йилга сугурта бадалларини энг кам



ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорда тўлаш орқали бир йил меҳнат стажига эга бўлиши мумкин.

Жорий йилнинг 1 апрель кунли қабул қилинган “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг учинчи моддаси иккинчи хатбошисиди бу ҳуқуқ янада мустаҳкамланди. Унда “Томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва томорқа хўжалигини давлат рўйхатида ўтказиш талаб этилмайди. Томорқа хўжалигида қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш (қайта ишлаш) бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил равишда амалга оширувчи шахс аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олиши мумкин”, деб аниқ

белгилаб қўйилди.

Аслида ҳам қонуннинг туб моҳияти томорқа ер эгаларининг ижтимоий муҳофазасини, шунингдек, уларнинг мулкий ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган.

Янги қабул қилинган “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонун ҳар бир томорқа ер эгасининг хўжалик юритувчи субъект мақоми даражасидаги мавқени янада мустаҳкамлайди. Чунки унда томорқа ер эгасининг мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги хўжалик юритувчи шахслар билан шартномавий муносабатларга киришиши мумкинлигига оид ҳуқуқлари алоҳида белгилаб берилди.

Қувонарлиси, аҳолининг томорқага муносабати ижобий томонга ўзгармоқда. Мамлакатимиз

аҳолисининг аксарияти ўз томорқасига фақат тиркичилик манбаи эмас, балки бизнес қилиш ва шу орқали бойи кетиш имконияти сифатида қарамоқда. Аҳолида бундай кўникмани шакллантириш учун мутлақо янги тизим асосида кенг жамоатчилик жалб қилинди. Бунда тажрибали деҳқонлар фаолиятини тарғибот қилиш орқали уларнинг илгор иш услуби оммалаштирилиши ҳам томорқа ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилляпти.

Худудларда асосий вазифаси деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш ва сотишда амалий ёрдам кўрсатадиган “Томорқа хизмати” МЧЖлар ташкил этилган. Улар аҳолига кўрсатаётган амалий ёрдамлар ҳамда ва сифати кун сайин ошиб бормоқда. Томорқа эгаларига мевали дархатлар кўчатлари, уруғликлар, минерал ўғитларни етказиб бериш, кичик ҳажмли иссиқхоналар қуриш, томорқаларда фойдаланиш қулай бўлган мини-техникалар билан ерни экишга тайёрлаш, техника, кимёвий ишлов ва бошқа шу каби хизматларни кўрсатиш ушбу МЧЖлар зиммасига оқланган.

Ҳозирга қадар мамлакатимиздаги 524 та “Томорқа хизмати” МЧЖ томонидан 21,6 мингта томорқа ер шуддорланди, 34,8 минг хонадонга зарур уруғликлар, 25,9 минг хонадонга пиёз ва саримсоқпиёз уруғлари, 65,6 минг хонадонга мевали дархат кўчатлари етказиб берилди.

“Томорқа хизмати” МЧЖлар негизда кластерлар ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Бу кластерлар аҳоли томонидан махсулот етишти-

риш учун уруғлик, кўчатлар етказиб беришдан тортиб етиштирилган махсулотни харид қилиш ва ундан яқуний махсулот ишлаб чиқаришга банд бўлган тўлиқ жараёни ўз ичига қамраб олган ишлаб чиқариш қорхоналаридир. Ишлаб чиқаришнинг бундай тўлиқ қўламда ташкил қилиниши орқали янги иш ўринлари ҳам яратилмоқда.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам эътиборда. Бунда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаол иштирок этмоқда. Жамғарма томонидан 2018-2021 йилларда томорқалардан самарали фойдаланиш учун 317 миллиард сўм, аҳоли томорқаларига хизмат кўрсатувчи “Томорқа хизмати” МЧЖларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 179 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.



ТЕНГҲУҚУҚЛИЛИК – АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ

Бошланғичи 1-бетда

Башорат ЮНУСОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

АРМОНЛАР ЧЕКИНДИ, ОРЗУЛАР РЎЁБГА ОШДИ

ёхуд Ватанга дахлдорлик ҳисси билан яшаш бахти

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан кейинги йилларда фуқаролик масалаларига оид қонунийлик тақомиллаштирилиб, амалиётга татбиқ этилди...

Мамлакатимизда фуқаролик масаласи ҳамда паспорт тизими ислохотларига доир "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун 2020 йил 13 март куни янги таҳрирда қабул қилиниб, 15 сентябрдан тўлиқ кучга кирди...

СОҲАДА ТУБ БУРИЛИШ: МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Бугунги кунга қадар юртимизда яшаб келаётган 23 мингдан ортиқ фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг аризаларига асосан, уларга Ўзбекистон фуқаролиги берилиб, Ўзбекистон фуқароси паспорти (ёки ID-карта) билан ҳужжатлаштирилди.

2016 йилга қадар фуқаролиги бўлмаган 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, 2016 йил декабрь ойдан буён Президентимиз фармони билан 20 мингдан ортиқ фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Шухрат ХОДЖАЕВ, Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:

Президентимизнинг 2021 йил 10 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги оид масалаларни кўриб чиқишнинг янги йўналишларини белгилаш тўғрисида"ги фармонига биноан ўн саккиз ёшга тўлган ва муомала лаёқатига эга бўлган, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилиш бўйича



илтимоснома билан муурожаат қилиши мумкин. Муурожаат йўллаётган шахс чет давлат фуқаролигидан чиқиб расмийлаштирилган, яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси олинган кундан эътиборан ва фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги мамлакатда узлуксиз беш йил давомида доимий яшаб келаётган бўлиши талаб этилади. Ушбу шарт Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан никоҳда бўлган ва никоҳ тузилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турмуш ўртоғи билан биргаликда узлуксиз уч йил давомида яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан татбиқ этилмайди. Шунингдек, тирикчиликнинг қонуний манбаига эга бўлиши, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олиши ҳамда давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилиш юзасидан Президент номига илтимоснома билан бирга айрим ҳужжатлар тақдим этилади. Булар: сўровнома, яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси, никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (мавжуд бўлса), тирикчиликнинг қонуний манбалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳамда давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билиш тасдиқловчи ҳужжат.

Чет элда доимий яшовчи шахслар эса Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш юзасидан ўзлари яшаб турган мамлакатдаги дипломатия ва консуллик муассасаларимиз орқали Ўзбекистон Республикаси Президент номига ариза ва тегишли ҳужжатлар билан муурожаат этади.

Шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат орمانлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ бўлган унинг мулкий мажбуриятлари мавжудлиги, қидирувда экани, айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган, судланган ва жазони ўтаётган, шахсга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши лозим бўлган суд ҳукмининг мавжудлиги, била туриб ёлгон маълумотлар

ёки сохта ҳужжатлар тақдим этганлик, Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлик ёки шахснинг вафот этгани каби ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқишни тугатиш асослари ҳисобланади.

"ЭЪТИБОРГА ТУШДИК, ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИК"

Хайрулла Сайдуллаев Қашқадарё вилояти Ғузур тумани марказий поликлиникаси олий тоифали шифокори. Турмуш ўртоғи Ҳикматой Раҳмонова ҳам унга камарбаста – терапевт. Хайрулла ака Ҳикматой опа билан бир ўғил, икки қизни вояга етказди, элга қўшди. Ўғли фармацевт, қизлари ўқитувчиликни танлади.

Х.Сайдуллаев 1960 йили Тожикистон Республикасининг Қўрғонтепа вилоятида туғилган. 1992 йили Ўзбекистонга кўчиб келган. Ўқиди, ишга жойлашди. Дўстлар орттирди. Бир қараганда уларнинг ҳаёти яхши, ўтаётган кунларидан рози. Бойси қорни тўқ, усти бут. Яхши кўрган касбининг ортидан рўзгор тебратяпти. Энг муҳими, фарзандлари таълим-тарбиясига эътиборли бўлди. Ўғли ҳам, қизлари ҳам олий маълумот олиб, давлат идораларидан муносиб ўринларини топди. Уй-жойдан муаммолари бўлмади. Бирок...

Биз йигирма саккиз йил давомида ватанимизда юрагимизда армон билан яшадик, – дейди Хайрулла Сайдуллаев. – Меҳнат қилдик, бироқ ҳордиқ чиқарайлик, юрт кезайлик десак, имкон йўқ эди. Одамларга ўхшаб эмин-эркин сайловларда қатнашолмадик. Овозимизнинг бор-йўқли билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Кўп йиллар давомида неча бор ҳаракат қилдик – бесамар кетди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан эса армонимиз ушладик: биз Ўзбекистон фуқароси деган шарафли мақомга эришдик. Қалбимиздаги кемтик тўлди. Ўғлим вилоят дори-дармон акциядорлик компанияси масъул ходими бўлиб ишлайди. Фуқаролик берилган унинг бир қувончига яна қувонч қўшилди. "Меҳр-саховат" кўкрак нишони билан тақдирланди. Биз ҳам эътиборга тушдик: эл ичиде қаддимиз тикланди. Меҳнатпарваримиз эътирофи — мукофотларга лойиқ кўриламиз. Бундан ортиқ яна бахт борми?

"ҚўЛГА КИРИТИШИМ МУМКИН БЎЛГАН КЎПЛАБ ҒАЛАБАЛАРНИ БОЙ БЕРДИМ"

Муҳаммадҷон Қирғиз Республикаси Жалобод вилоятининг Олабуқа туманида туғилган. Уларнинг оиласи Ўзбекистонга кўчиб ўтди. Дадаси Қирғизистон фуқароси, онаси Ўзбекистонда туғилиб ўсган бўлса-да, унда ҳам, Муҳаммадҷонда ҳам на у, на бу давлатга тегишлилик мақоми бўлди. Мактабда, дўстлар даврасида унга бегонага қарагандай муомалада бўлишди. Табиийки, бу муносабат уни ўқитарди. Онаси Муҳаммадҷонни "Хафа бўлма, ёш бола ҳар нарсага гапираверади-да, эътибор қилма", деб юпатар, бироқ у ҳам ҳали ёш бола эди. Болаларнинг гапидан қалби озорланарди.

Муҳаммадҷон ТУРҒУНОВ, Наманган шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи, Ўзбекистон чемпиони:

Мен спорт соҳасида халқаро мусобақаларда иштирок этишни, жаҳон майдонларига Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш учун тушишни истардим. Бироқ менда фуқаролик йўқ эди. Бу тўсиқ орзуларимни, мақсадларимни ҳам ихота-лаб ташлади. Баъзан ўзимга "сен спортда голиб бўлиш учун эмас, соғлом бўлиш, миллат болаларига ўз тажрибангни ўргатиш учун юрибсан", деб таскин берардим. Ич-ичимда эса ғалабага бўлган интилиш кучли эди. Фуқаролигим йўқлиги туфайли мен мусобақалардан қолиб кетардим. Оқибатда кўлга киритишим мумкин бўлган кўплаб ғалабаларни бой бердим.

Муҳаммадҷон онаси билан ўтган йили ўз орзуларига эришди. Энди улар ҳам Ўзбекистон фуқароси. Орзулар ушалиши учун имкон бор: у ўз Ватани шарафи учун бемалол халқаро мусобақаларда қатнаша олади. Зора, унинг ҳам армонлари ушласа...

Фуқаролик олиш Хайрулла Сайдуллаев ва Муҳаммадҷон Турғунов каби юртдошларимизга тенг ҳуқуқлилик имтиёзини беришди. Улар ўз ҳуқуқларидан тўла-тўқис фойдаланиши — сайлаш ва сайланиш, эл қатори банк билан боғлиқ операцияларни бажариш, истаган пайти хорижга чиқиш каби имкониятларни берди. Бу эса юртимизда инсон манфаатлари, кадр-қиммати юксак даражада улуғланаётганидан дарақдир.

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ



"ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ ВА БЎЛМАГАЙ"

Нодир МАҲМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Илм-маърифат — инсонни камолотга етакловчи, унга нажот берувчи буюк неъмат. Имом Бухорийнинг ўн икки аср аввал айтилган "Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай", деган фикри бунинг ёрқин далили бўла олади. Шу боис, аждодларимиз қадимдан илм-маърифат ва фарзанд таълим-тарбиясига устувор аҳамият қаратиб келади. Бугун бу анъана давом этмоқда ва сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан ҳамда диний маърифатга берилаётган эътибор яқин келажақда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан юртимиздаги барча таълим муассасаларида "Жаҳолатга қарши маърифат" шiori остида семинарлар ҳамда "Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай" мавзуда учрашувлар ўтказилмоқда. Маъруз тадбирлар замирида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг жаҳолат ва илмсизлик гоъларига берилиши олдини олиш ҳамда уларни илм-фан ва касб-хунарга қизиқтириш каби хайрли мақсадлар ётибди.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ҳам "Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай" мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗА

Мардон БОЛТАЕВ, СамДУ доценти

"Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда.

Амалдаги янги алифбо аслида биз учун мутлақо янги эмас эди. Чунки бу алифбодан халқимиз 1929 йилдан 1940 йил сентябрь ойигача — ўн йилдан ортиқроқ муддат фойдаланган. Уша алифбонинг таркиби куйидагича эди: Аа (о), Вв, Сс (че), Сс (дж), Dd, Ee (э), Өө (а), Ff, Gg, Qq (ре), Hh, Ii, Jj (й), Kk, Ll, Mm, Nn, Dd (нр), Oo (ў), Pp, Qq, Rr, Ss, Ss (ш), Tt, Uu, Vv, Xx, Zz, Zz (ж). Унда 30 та харф бўлиб, уларнинг 6 таси унли — Аа (о), Ee (э), Өө (а), Ii (и), Oo (ў), Uu (у) ва қолган 24 таси ундоз товушларни ифода-лаш учун хизмат қилган. Бу алифбодаги 10 та харф ҳозир қўлланилаётган харфларимиздан шакл жиҳатидан бироз фарқ қилади: Аа (о), Сс (че), Сс (дж-jo'ja), Өө (а), Qq (ре), Jj (й), Dd (нр), Oo (ў), Ss (ш), Zz (ж-jurnal).

Эълон қилинган лойиҳадаги О'о' харфининг Оо, G'g' харфининг Gg, Shsh харфининг Ss ва Chch харфининг Cc тарзидаги янги шаклини қўллаб-қувватлаш лозим, уларнинг янгича кўринишига эътироз йўқ. Аммо тутук белгиси ва Ng ng харфлар бирикмасининг алифбода сақланиб қолишига жиддий эътирозимиз бор.

Тутук белгиси товуш ифодаламагани учун 1995 йил 6 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг" Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонунига асосан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси таркибидан чиқарилиб, имло қоидалари доирасида ўрганиладиган бўлди. Шунинг учун уни алифбо таркибидан харфлар сирасига қўйиш шарт эмас.

Агар ng харфлар бирикмаси ўрнига алоҳида битта шаклли харф олинмайдиган бўлса, бу харфлар бирикмасини ҳам алифбо сирасидан чиқариш керак. Нега? Чунки янги алифбомизга мустақил ундоз товуш ифодаловчи Nn ва Gg харфлари билан бир қаторда ўзбек тилининг ўзига хос бурун товушини ифодаловчи ng

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ АЛИФБО

жамият тараққиётига хизмат қилади

харфлар бирикмасининг ҳам "адашиб" кириб қолгани тилимизни ўргатувчиларни ҳам, мактаб ўқувчиларини ҳам чағиритиб келяпти.

Ёзувда сўзлар таркибидаги ng харфлар бирикмасини ҳар иккаласи мустақил ҳолда, алоҳида [n] ва [g] ундоз товушларини ифодаловчи n ва g харфларидан фарқлашнинг ҳеч ҳам имкони йўқ. Чунки улар шакл жиҳатидан бир хилдир. Масалан, куйидаги сўзларда маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган ng харфлар бирикмаси билан ёзиладиган бурун товушли сўзларни алоҳида n ва g товушни ифодаловчи харфлар билан ёзиладиган сўзлардан талаффуз этиш орқали уларни бир-биридан фарқлашнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Марҳамат, уларни ёзувда фарқлаб кўринг: tanga (майда, чақа пул) – tng (танга, гавдага), ko'ngil (юрак, қалб) – ko'ngil (рози бун), tongin (тонг пайти) – tongin (инкор эт), singil (қиз қариндош) – singil (синиш), to'ngimoq (совотмоқ, музламоқ) – tungi (тун пайтидаги), o'ngimoq (ранги ўчмоқ, эскирмоқ) – o'ngga (ўн сонига) – o'ngga (ўн тарафга) ва ҳоказо.

Тилимизда бундай сўзлар жуда кўп. Улар ёзувда ng бурун товушини ифодаловчи харфлар бирикмаси ҳамда n ва g мустақил харфлари билан бир хил шаклларда берилмадики, бундай сўзларнинг қайси бирини ng харфлар бирикмаси, қайси бирини эса хар бири мустақил ундоз товушини ифодаловчи алоҳида харф эканини фарқлаб бўлмайди. Улар ёзувда шакл жиҳатидан фарқлан-маса, талаффузда қандай фарқлаш мумкин? Аммо бу товушлар нутқи-мизда яқол фарқланади, сўзга бош-ка маъно, жаранг ва жило беради, сўзловчи ва тингловчи талаффуздаги ана шу фарқлиқка қараб уларни ўз ўрнида қўллаверилади. Афсуски, буни фарқлай олмайдиган ўқувчи-лар, талабаларига эмас, айрим те-ле-радио бошловчилари, суҳандон ва журналистлар ҳам [ng] бурун товушини алоҳида [n] ва [g] ундоз товушлари каби қўпол урпу билан akan-giz, maqsadin-giz, istagin-giz ва ҳоказо тарзда нотўғри талаффуз

этиб келишмоқда. Бу сўзлар aka-ngiz, maqsadi-ngiz, istagi-ngiz, bola-chaqa-ngiz, ko'ngli-ngiz тарзида му-лозим, оҳандор талаффуз этилиши лозим. Агар янги алифбомизда [ng] бурун товушини ифодаловчи алоҳида g харфи олинса, бу муаммо ўз-ўзидан бартараф бўлар эди.

Тақдир этилаётган лойиҳада алифбомиз куйидаги тартиб ва тар-кибда берилган: Агар ушбу алифбо сирасидан ng харфлар бирикмаси ва тутук белгиси чиқарилса, 28 та, агар шу харфлар би-рикмаси ўрнига битта шакли и белги-си олинса, 29 та харф қолади. Алифбо таркибига тилимизга байналмилал сўзлар таркибиде ўзлашган [ц] ундоз товушни ифодаловчи "Сс" белгиси ҳам киритилса, маълум бўлар эди.

Сс харфини алифбомизга киритиш билан биз, биринчидан, тилимизга та-раққиёт эгган дунё тилларидан ўзлаш-ган шундай товушли юзлаб сўзларни ёзишда ва талаффуз этишда бир хил-ликка эришар эдик. Иккинчи томон-дан, алифбомиз таркиби ҳам дунё тиллариде қўлланилаётган, компь-ютер ва бошқа ёзув техникаларида мавжуд стандарт 30 та харф билан мукаммал ҳолга келтирмас эканми, унинг янги имло қоидаларини та-комиллаштириш, "Давлат тили ҳақида"-ги ҳамда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғри-сида"ги қонунларнинг ижросини таъ-минлашга эришиш бўйича баҳс юритишнинг ўзи ҳам ортиқчадир.

Table with columns: Lotincha, Kirill, Lotincha, Kirill. It lists various letters and their transliterations in both Latin and Cyrillic scripts.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Биз буюк халқимизни улуғламоқчи, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати ёрдамида амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-этиборини қозонишимиз мумкин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

“КИНОКАРВОН”НИНГ ЗАЛВОРЛИ ЮКИ...

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кино санъатининг инсон онги ва тафаккурига, жамият ҳаётига таъсири ниҳоятда беқиёс. Кино олами нафақат халқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга ҳам катта ҳисса қўшади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯ

Сўнги йилларда соҳада олиб борилаётган излашлар тўғрисида ушбу йўналишда янги тажриба ва аъёнлар шаклланимиз. Бунинг натижасида кино-ижодкорлар томонидан бугунги томошабин талабига жавоб берадиган бир қатор янги бадиий фильмлар яратилмоқда. Мамлакатимиз худудлари бўйлаб “Янги Ўзбекистон ва миллий кинематография” шiori остида ўтказилаётган намоишлари бунинг аяқол мисолидир.

— Ўтган йилнинг 20 ноябрида Президентимизнинг “Ўзбекфильм” киностудиясига ташрифи ва бу ерда бўлиб ўтган самимий мулоқот биз ижодкорларга кутаринки кайфият ва ижодий руҳ бағишлаш баробарида фаолиятимизнинг янада тараққий этишига кенг замин яратди, — дейди Ўзбекистон Кинеоарбоблари ижодий уюмаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матёқуб Матчонов. — Учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тақдир ва берилган топшириқлари ҳаётига кенг таъбиқ этишга киришдик. Ўзбекистон Республикаси кинематография агентлиги ва Ўзбекистон Кинеоарбоблари ижодий уюмаси ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистон ва миллий кинематография” шiori остида “Кинокарвон” лойиҳаси доирасида кинолар намоиши билан бирга, бир қанча маънавий-маърифий тадбирларни ҳам уюштирилди. Юртимизнинг барча худудларини қамраб олган ҳолда аҳоли орасида ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, энг сара бадиий фильмларни халқимиз эътиборига ҳавола қиламиз. Бу янги лойиҳа, халқимизнинг маданий дам ва руҳий озуқа олишида, маънавий савиясининг янада юксалишига эзгуликка хизмат қиладиган, гўзал ришта, нури воситадир...

ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁДА

Жорий йилнинг февраль ойидан буюн Андижон, Фаргона, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида ижодий сафарда бўлган “Кинокарвон” айна кунларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида навбатдаги ижодий учрашувлар, фильмлар намоиши ва давра суҳбатларини ўтказмоқда.

“Кинокарвон” лойиҳаси доирасида Зулфиқор Мусоқов, Ражаб Адашев, Мукамал Раҳимов, Лутфулла Саъдуллаев, Матёқуб Матчонов, Фотиҳ Жалолов, Абдухалил Мингоров, Риховий Алиев, Жаҳонгир Қосимов, Эгамберди Раҳимов, Бобур Йўлдошев, Умид Искандаров, Мухаммадали Искандаров, Феруза Собитова, Барно Қодирова, Аҳмадхон Унарбоев, Эргаш Мўминов, Отабек Мусаев сингари кино оламининг иқтидорли вакиллари иштирокида ўтказилаётган тадбирлар, маҳорат сабоқлари халқимизнинг маънавий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

УЛКАН ТАЪСИР ВА КАТТА КУЧ

Кино санъати миллий маънавиятимизни юксалтиришда, ёш авлодни ватанпарварлик ва эзгу қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялашда улкан таъсир ва катта кучига эга бўлган энг оммавий санъат тури ҳисобланади. Президентимизнинг жорий йилнинг 8 апрель куни “Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳам соҳадаги узоқ йиллик муаммоларга ечим сифатида хизмат қиладиган муҳим ҳужжат, дейиш мумкин.

“Кинокарвон” лойиҳасида халқимизга тақдим этилаётган Зулфиқор Мусоқовнинг “Ҳайрат”, Фотиҳ Жалоловнинг “Муқимий”, Эргаш Мўминовнинг “Орзулар қанотида”, Мухаммадали Искандаровнинг “Мен террорчи эмасман” каби фильмлари премьераси, Жаҳонгир Қосимовнинг “Ибрат”, Абдухалил Мингоровнинг “Ат-Термизий” бадиий фильмларини томошабинлар катта қизиқиш ва хурсандлик билан қарши олмақда. Болалар учун тақдим этилаётган бир қанча миллий мультфильмлар намоишлари эса нафақат жажжи авлодининг, балки уларнинг ота-оналари, яқинлари эътироф ва оқлошларига сазовор бўлмоқда.

— Жорий йилнинг 5-6 апрель кунлари “Кинокарвон” ижодий гуруҳи аъзолари томонидан вилоятимиз

аҳолиси учун бир қатор ижодий учрашувлар ташкил этилиб, янги фильмларнинг тақдими ўтказилди, — дейди Республика кинопрокат маркази давлат унитар корхонасининг Навоий вилоят филиали директори Тўлқин Ҳалимов. — Чека ва олис қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли ва ёшлар учун тарбиявий аҳамияти катта бўлган “Авлоний”, “Ибрат”, “Илҳақ”, “Рангсиз тушлар”, “Фаридадиннинг икки минг қўшиғи” ва бошқа номдаги бир қанча фильмларнинг намоишлари вилоятимиз аҳолига бирдай манзур бўлди. Аслида ушбу лойиҳанинг ташкил этилишининг эътибори кино санъати соҳасида эътиборга молик катта воқелик бўлди. Кино ижодкорлари томонидан яратилаётган тарихий, ватанпарварлик, тарбиявий ва бошқа мавзуларда суратга олинган ва олинаётган фильмлар аҳоли ва ёшларимиз учун катта тажриба мактаби бўлаётганини ҳам чуқур хис этиб турибмиз.

Навоий вилояти учун томошалар “Муқимий” фильмининг премьераси билан очиб берилди. Фильм режиссёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фотиҳ Жалолов шoir ва жамоат арбоби Мухаммад Аммин-хўжа Муқимийнинг ҳаёти, ижоди ҳамда сўёмака жараёнлари ҳақида томошабинларга батафсил сўзлаб берди.

ТУМАНДА КИНОТЕАТР ҲАМ ЙЎҚ ЭДИ...

“Кинокарвон”нинг азим ва қўнча Бухоро вилоятига ташрифи ҳам кизгин жараёнларда кенди. Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида “Ҳайрат”, Пешку туманида “Абу Мусо Мухаммад ат-Термизий”, Шофирқон туманида “Муқимий”, Ромитан туманида “Ибрат”, олис Қорақўл тумани аҳолисига эса “Орзулар қанотида” бадиий фильмлари намоиши этилди. Кинотомошалар учун мўлжалланган “CinemoBil” инновацион кинотеатр платформасида режиссёр Мухаммадали Искандаровнинг болалар ва усмирлар учун “Мен террорчи эмасман” фильми тақдим қилинди.

— Машҳур киноактёрлар билан юзма-юз кўриш-магунимча, уларнинг туманимизга ташрифлари ва кино тақдимотлари ўтказилишига ҳечам ишонмадим, — дейди қорақўллик Камола Ҳамдамова. — Гарчанд ўзим маданият соҳасининг вакиласи бўлсам-да, илгарилари бундай томошалар ташкил этилмас эди. Очигини айтсам, бундан 4 йил илгари туманимизда ҳатто кинотеатр ҳам йўқ эди. Сўнги йилларда давлатимиз раҳбари махсус қарор билан барча соҳалар қаторида маданият, санъат ва адабиёт соҳасига жуда катта эътибор қаратилди. Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, фарзандларимизнинг маънавий юксалиши йўлида бу жуда муҳим ва кутлуг қадамдир...

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси кинематография агентлигининг “Кинокарвон” лойиҳаси вилоятларда фуқаролар томонидан катта қизиқиш, қувонч билан кутиб олинмоқда ва ўз навбатида аҳолининг маданий дам олишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лойиҳа, томошабинлар томонидан қўллаб-қувватланиб, шу каби намоиш ва ижодий учрашувларни кўпайтириш тақдирлари ҳам тушмоқда.

Маълумотларга қараганда, Агентлик учун давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқариладиган бадиий фильмлар сони 2018 йилда 20 та бўлган бўлса, 2020 йилда 30 тага кўпайди. Мультимедия қўлланмалари сони ҳам 2018 йилда ўн бештадан ташкил қилиб, 2022 йилдан бошлаб 50 тага етказиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Агентлик ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тузилди ва белгиланганлиги ҳам бу соҳада катта янгиликдир.

Ҳа, дунёдаги ҳар бир давлат ва миллат маданиятининг ривожланишини, келажақдаги истиқболини миллий кинофильмларсиз тасаввур қилиш қийин. Энг муҳими эса кинони саноат ва санъат сифатида бирдек раванқ топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ичидан давом этирилади. Зеро, маданият соҳасида жаҳонга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимиз тафаккурини теранлаштириб, уларнинг эстетик оламини, соғлом дунёқарашини шакллантиришда “Кинокарвон” каби янги лойиҳаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки, кино санъати бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ, бир вақтнинг узида минглаб ва ундан ҳам кўп инсонларни бирлаштира оладиган воқелик ҳисобланади.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Буюк шоиримиз, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийни бугун дунё танийди. Чунки, аввало, ўзимиз Навоий ҳазратлари маънавий-маърифий меросини янгича руҳда ўрганишга бел боғладик. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маънавий юксалиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижод йўлини, улар қолдирган ноёб қўлёзмаларни кенг кўламда тадқиқ ва тарғиб этишга киришдик.


Давлатимиз раҳбари 2020 йил 19 октябрда “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Шу қарор асосида Навоий бобомизнинг бой ва серқирра ижодий меросини юртимизда, хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида қатор ишлар қилинмоқда.

Буюк бобомиз туғилиб ўсган дўст ва қардош афғон заминда ҳам Алишер Навоий хотирасига муносиб ҳурмат ва эҳтиром билдирилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Навоий ижодини тарғиб этиш ва унинг Ҳирот шаҳридаги мақбарасини ободонлаштириш борасида хайрли тадбирлар бошланди.

Яқинда, 7-9 апрель кунлари Ҳирот шаҳрида улуғ шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди. Унда Ўзбекистондан ва бошқа давлатлардан навоийшунос олимлар, ижодкорлар иштирок этди.



ҲИРОТ САФАРИ: НАВОИЙ ДАҲОСИ ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, навоийшунос олим:

— Президентимизнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида Навоий бобомиз меросини ўрганиш ва тарғиб этишининг бугун давр учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани ҳақида айтган фикрлари тарихан илдири тутах халқларимиз учун маънавий юксалишга чорлов бўлди. Туркий кенгашда таъсис этилган Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот эндиликда

дунё гуманитар фанлари ривожига, бобокалониюти куйлаган умуминсоний қадриятлар тарғиботида хизмати синган илм, адабиёт, санъат ва маданият арбобларига берилади. Бу бизга Нобель мукофоти нуфузини эслатиб юборади. Ҳиротда ўтказилган халқаро анжуманга ана шундай кўтаринки руҳда, шараф билан бориб келдик.

Афғонистонда ўзбекларни жуда ҳурмат қилишди. Бу Президентимиз томонидан минтақада тинчликни сақлаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самарасидир. Алишер Навоий сиймоси ҳақида гап кетганда эса Шавкат Мирзиёевнинг бобомизга кўрсатаётган иззат-иқроми бошқа давлат раҳбарларини ҳам шу кутлуг ишга ҳисса қўлишига ундаётганини фарҳ билан тилга оламиз. Шу маънода, Ҳирот шаҳрида ўтказилган халқаро анжуман ҳам икки давлат раҳбарларининг буюк бобокалониюти руҳини шод қилиш йўлида ҳамкорликда ўтказган навбатдаги хайрли ишлари жумласидан бўлди.

Халқаро анжуманда афғонистонлик ўзбеклар, ўзбек тили ва адабиёти бўйича таълим бериладиган университетлар профессор-ўқитувчилари, шоир-ёзувчилар, санъат, илм-фан уюмчалари, давлат ва жамоат арбоблари қатнашди.

Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Президенти Ашраф Ғани табрик йўллади.

Президентимиз Афғонистонда яшайдиган ўзбеклар учун араб имлосида 5 000 нусха “Ҳамса” китобини совға сифатида жўнатди. Афғонистонда 6 миллиондан зиёд ўзбек истиқомат қилади. Бугун мамлакатдаги 5 та университетда ўзбек тили ва адабиёти факультети фаолият юритмоқда. Унлаб мактаблар очилган. Шимолий Афғонистондаги деярли барча мактаблар ўқув дастурларига ўзбек тили ва адабиёти фани киритилмоқда. Президент совғаси ана шу ўқув муассасаларига тарқатилди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Афғонистондаги ўзбек тили ўқитиладиган барча таълим муассасалари учун таянч методик марказ ҳисобланади. Университетимиз олимлари томонидан тайёрланган китоблар тўпламини Афғонистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Мухаммад Шокир Корғаро топширдик ва ҳамкорлигимиз давом этишини ният қилдик.

Анжуман кўтаринки руҳда ўтди. Шу баҳона турли давлатлардан келган навоийшунос дўстларимиз билан қўришиқ, фикр алмашиқ, илмий ҳамкорлик бўйича режалар тузиб олдик.

Алишер Навоий мақбарасини зиёрат қилдик. Руҳимиз покланди, қалбимиз нурга чулғанди. Зеро, ҳазрат Навоий асарларида куйланган дўстлик ва тинчлик муҳити доим эзгулик томон эътибори.

дани зиёрат қилди. Бу бизнинг чин маънода янги даврга қадам қўйганимиз исботидир. Президентимизнинг анжуман иштирокчиларига табригини тинглаганда, бағоят таъсирландик. Янги Ўзбекистон буюк мутафаккирларининг башариат тамаддунига қўшган беқиёс хиссаларини дунёга муносиб даражада намоён этаётгани билан қўдратли эканини кўнглимизнинг туб-тубидан хис этдик.

Афғонистонлик илм ва ижод аҳли билан бирга қардош туркий давлатларнинг навоийшунос олимлари ҳам иштирок этгани анжуманнинг халқаро нуфузига муносиб бўлди.

Президент Ашраф Ғани видеотабригидаги мана бу эътирофда Ўзбекистон раҳбари ҳамда халқига бўлган юксак эҳтиром ўз ифодасини топди: “Ўзбекистон томонидан Ҳиротда Алишер Навоий ёдгорлик мажмуасини ободонлаштириш, қайта таъмирлаш дастурининг ишга туширилгани ва буюк шоирнинг туркий халқлар ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури ривожига тугатган ўрни нечоғли бандан, улуғ мутафаккир асарларидаги ҳеч бир замонда эскирмайдиган умуминсоний ғояларнинг бугунги замон учун аҳамияти нақадар улкан эканини яна бир бор тасдиқлади.

Отан айтган эди: — Ҳирот ёқларга, Салом бермоқчи ҳеч қанда айлама.

Бу шезрни ёзган чоғимда, албатта, ҳазрат Навоий мақбарасига бориш ва ул зотни зиёрат қилиш хаёлимга ҳам келмаган. Етказганига кўп шукрлар...

Аэропортда бизни элчихона ходимлари ҳамда Афғонистон ҳукумати вакиллари кутиб олди. Бир пилеа чай устида меҳмонлару мезбонларнинг танишуви маросими бўлди. Кейин халқаро анжуманнинг очилишига бағишланган тантанали маросимга бордик. Ҳирот шаҳридаги мухташам анжуманлар саройи дунёнинг турли мамлакатларидан келган олим уламо, шоиру шуаро ва Навоий ихлосмандлари билан лиқ тўла. Атоқли олимлар ва ижодкорлар улуғ мутафаккирнинг жаҳон адабиётида тугатган ўрни, ул зотнинг инсон камолоти йўлида қилган беқиёс хизматлари тўғрисида янги фикрларни айтгани кўнглимизни кўтарди.

Алишер Навоийнинг раъзасига келиб, Қуръон тиловат қилдик.



Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори, профессор:


— Яқин-яқингача Алишер Навоий туғилиб ўсган Ҳирот шаҳрига бориш, ул зотнинг муборак раъзасини зиёрат қилиш орзу эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракати билан бу орзу ҳам амалга ошди.

Ҳирот шаҳрида Навоий бобомиз таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро анжуманда Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматилла Эргашев бошлиқлигида илм-фан ва ижод аҳлидан иборат делегациямиз улуғ бобокалониюмининг табарруқ марқа-



Ғайрат МАЖИД, Ўзбекистон ёзувчилар уюммаси раиси ўринбосари, шоир:

— Раҳматли бобом ва отам Навоийни кўп ўқиш кераклигини қайта-қайта таъкидлар эди. Уша кезлари уларнинг сўзларидан илҳомланиб, мана бундай мисраларни ёзганман: **Сўзи илоҳийни ханда айлама, Узни ўзгага ҳеч банд айлама.**



Афтондил ЭРКИНОВ, филология фанлари доктори:

— Алишер Навоий ижодига бағишланган Ҳирот анжуманининг энг муҳим жиҳатларидан бири ўзбек тилига алоҳида эътибор қаратилгани бўлди. Масалан, анжуманда мактаб ўқувчиларидан ташкил топган ҳор ансамбли дастлаб ўзбек, сўнг дариё ва пушту тилларида қўшиқ қўйди. Бу Алишер Навоий тилига бўлган эҳтиром намунаси сифатида кўнглиларни қувонтирди. Афғонистон Ислоом Республикаси Президенти Ашраф Ғани ҳам ўз видеотабригида ўзбек тилида ҳам сўзлади.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги ривожланиш босқичига кўтарилаётгани ушбу халқаро семинар давомида аяқол кўринди. Бизни кутиб олган Афғонистон ҳукумати вакиллари, олимлар, зиёлилар орасида ўзбеклар ҳам бўлиб, улар мулоқот чоғида кейинги вақтда Ўзбекистонда бўлаётган ислохотлар, икки давлат ўртасидаги борди-келдилар кенгайтирилган хурсанд эканини билдирдилар.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган афғонистонлик олим Азизулла Орол илмий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик ривожига Ўзбекистондаги илмий ютуқлар ҳамда янги нашлашларнинг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Умид қиламизки, ушбу анжуман икки давлатнинг маданият ва маърифат, илм-фан ва адабиёт соҳасидаги ўзаро алоқалари юксалиши учун пухта замин бўлади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1289.
79778 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.
“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29
“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари в.б. Бахтиёр Абдусатторов
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Магбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎЗА аякуни — 02:00
Топширилди — 02:40
Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибхона: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru